



100084, Toshkent shahri, Yunusobod tumani,
Kichik xalqa yo`li – 4.
Tel.: 239-16-85
Faks: 150-62-99

100084, город Ташкент, Юнусабадский
район, Кичик халка йули – 4.
Тел.: 239-16-85
Факс: 150-62-99

ПРЕСС-РЕЛИЗ

25 июль 2016 йил

Тошкент шаҳри

Қутқарувчилик – шарафли касб. Муҳтарам Президентимиз Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан тизим ходимларига йўллаган байрам табрикларида **“Ўзгалар дардига бефарқ одам ҳеч қачон қутқарувчи бўла олмайди. Чунки қутқарувчилик – бу оддий касб эмас, балки инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қурбон қилишга, жасорат кўрсатишга ҳамиша тайёр туриш демакдир”**-дея алоҳида таъкидлаганлар.

Инсон ҳаёти турли хавф хатарларга тўла. Ҳар ким учун ўз ҳаёти қадри қимматининг чеки йўқ. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қутқарувчи биринчи навбатда ўзгаларнинг хавфсизлигини таъминлаши, жонини хатарга қўйиб бўлсада ўзгаларнинг ҳаётини сақлаб қолиши лозим. Юртимизда мард ва жасур қутқарувчиларни тарбиялаш ва шакллантириш, уларнинг билим, малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида кўплаб саъй-ҳаракатлар, керакли шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда.

Хусусан, мактаб, лицей коллежлар аро ўтказиладиган, шунингдек, ёзги дам олиш оромгоҳларида болаларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида республикамизнинг турли ҳудудларида **“Ёш қутқарувчи”**, **“Мен ҳам қутқарувчи бўламан”** каби бир қатор мусобақалар анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Қолаверса, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳудудий ва таркибий тузилмаларининг барча қутқарув отрядлари иштирок этувчи мазкур **“Қутқарувчилар республика кўп кураш мусобақаси”** республика миқёсида ўтказиладиган асосий беллашувлардан биридир.

Шу йилнинг 25-31 июль кунлари Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган **“Чорвоқ”** қутқарув станциясида 2016 йилги

“Республика қутқарувчилар кўпкураш мусобақаси” бўлиб ўтди. Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий ва таркибий тузилмалари қутқарув отрядлари хизматчи ва ҳарбий хизматчилари хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган барча қутқарув гуруҳлари ўзаро баҳс боғлашди.

Мазкур мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад шарафли касб эгаларининг маҳорати, малака ва билимларини бойитиш, тўғри вазиятларда тўғри, аниқ ва беҳато қарорлар қабул қилишга ўргатиш, қутқарувчиларни жисмонан бақувват ва руҳан соғлом, кучли ирода ва матонатлилик руҳида тарбиялаш, қолаверса шу орқали қутқарувчиларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашишига шароит ва турли имкониятлар яратиш бериш ва қутқарув ишларининг самарадорлигини ошириш, қутқарувчилар онгида фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга оид тушунча ва кўникмаларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки республика қутқарувчилар кўпкураш мусобақаси ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб, турли ҳил қутқарув амалиётларига бой бўлган беллашув шартлари мураккаб ва машаққатли босқичлардан иборатдир. Ушбу босқичларни ўташ учун қутқарувчилардан катта маҳорат, юқори амалий ва назарий билим шунингдек, жисмонан бақувват бўлиш, чайирлик ва эпчиллик талаб этилади.

Мусобақанинг асосий мезонларидан бири юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда қутқарувчиларнинг тўғри ҳаракат қилишини кузатиш ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, қутқарувчиларнинг амалий билим кўникмаларини яна бир қарра оширишдан иборат.

Ўз ўрнида қайд этиш керакки, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тезкор бартараф этиш, қутқарувчилик ишларини самарали ташкил этишда, аввало, қутқарувчиларнинг касбий малакаси, юксак даражадаги жисмоний тайёргарлиги бош омил ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган қутқарувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини янада ошириш, жамоаларда соғлом турмуш тарзини яратиш, шахсий таркибнинг спорт маданиятини янада юксалтириш мазкур беллашувнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Мусобақа кутқарувчиларни нафақат жисмонан соғлом, руҳан иродали этиб тарбиялаш, балки шахсий таркиб ўртасида аҳиллик, иттифоқлик, бир эзгу мақсад йўлида жипс, ҳамкор бўлиб хизмат қилишдек олий фазилатларни қарор топтиради.

Мусобақа қуйидаги босқичларда ўтказилди:

1. Бино конструкцияси қулаб тушганда унинг остида қолган жабрланланувчиларни кутқариш.

2. Техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатни амалга ошириш.

3. Кимёвий, радиациавий авариялар билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш.

Мусобақа бир неча кун мобайнида қизғин давом этди. Баҳслар бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, ушбу босқичларда кутқарувчи отядлари кутқарувчилари сувда кутқарув, тоғда кутқарув, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатларини бартараф этиш, зилзила натижасида вайрон бўлган бинода қидирув-кутқарув ишларини олиб бориш, жабрланганларни хавфсиз ҳудудга олиб чиқиш ҳамда уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, кучли таъсир этувчи захарли модда билан зарарланган радиацион, кимёвий, биологик (бактериологик) муҳофаза ишларини олиб бориш юзасидан ўзларининг амалий билим-малакаларини синовдан ўтказдилар. Ҳакамлар ҳайъати жамоаси эса қатнашчиларнинг ҳар бир ҳаракатларини одилona ва ҳаққоний равишда баҳолаб бордилар.

ФВВ Матбуот хизмати